

**ЭКОЛОГИК ТАРБИЯНИ ТЕХНОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАР
ОНГИГА СИНГДИРИШ**

Сайёра Қазақова Эркаевна
Хоразм вилояти ПЯМҮММ ўқитувчиси

Экологик тарбия бугунги куннинг долзарб масаласи экан, биз бу экологиянинг фойдасини, уни асраб-авайлашни болаларга кичик синфларданоқ тушунча бериб боришимиз керак, экология бу атроф мухит демакдир.

Табиат-кишиларнинг моддий ва маънавий талабаларини қондириш манбаи. Одам ҳаёт кечириши учун зарур бўлган ҳамма нарсани табиатдан олади, (озик-овқат, кийим-буш, бинокорлик материаллари, сув, ҳаво ва ҳоказо). Инсон фойдаланадиган ҳамма нарса табиат моддаси билан меҳнатнинг маҳсулидир. Табиатдан оқилона фойдаланиш, унинг бойликларини муҳофаза қилиш ва кўпайтириш жамиятимизнинг энг асосий вазифаларидан биридир.

«Экология» тушунчаси илк бор немис зоологи Э.Геккел томонидан кўлланилган. Экологик тарбия ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Экологик тарбия (грекча «экос» -туар жой, макон, «логос» -фан) ўқувчиларга дастлабки экологик билимларни бериш, мавжуд экологик билимларини бойитиш, уларда табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган педагогик жараёндир.

Ўзбекистон Республикасида табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўлда амалга оширилувчи ижтимоий экологик ҳаракат мазмуни «Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Миллий ҳаракат режаси»да ўз ифодасини топган.

Табиат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шунингдек, экологик муаммоларнинг ижтимоий хавфи хусусида тўхталиб, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов қуйидаги фикрни қайд этганди: «Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачон миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсидаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир»¹.

Ўқувларда табиатга нисбатан тўғри муносабатни қарор топтириш, меҳр-муҳаббатни уйғотиш, атроф-муҳит мусаффолигига эришиш экологик муаммоларни ҳал этиш йўлида муҳим босқич саналади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т.: Ўзбекистон, 1997.- 137-бет.

Экологик таълим ўқувчига аниқ мақсадга мувофиқ, изчил, тизимли ва узлуксиз равиша назарий экологик билимларни беришга йўналтирилган таълимий жараёнидир.

Назарий экологик билимлар (экологик онг) ҳамда атроф-мухит ва табиат муҳофазаси йўлида олиб борилаётган фаолият бирлиги экологик маданиятни шакллантиришга хизмат қиласи. Экологик онг табиат ва атроф-мухитнинг мавжуд ҳолати, уларни муҳофaza этиш борасидаги тушунчаларнинг онгдаги ифодаси бўлиб, у мураккаб ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида намоён бўлади. Экологик фаолият эса экологик билимларга таянилган ҳолда табиат ва атроф-мухит муҳофазасини таъминлаш борасида амалга оширилаётган хатти-харакатлар мажмуи демакдир.

Экологик маданият ўқувчининг ижтимоий талабларга мувофиқ табиат ва атроф-мухит муҳофазасини ташкил этиш қобилияти.

Экологик тарбия ижтимоий тарбиянинг яна бир муҳим таркибий қисми бўлиб, уни ташкил этиш жараёнида қуидаги вазифалар ҳал этилиши зарур.

1. Ўқувчиларнинг таълим жараёнида ўзлаштирган экологик билимларини янада ошириш.

2. Уларнинг табиат ва атроф-мухит экологияси тўғрисидаги тасаввурини бойитиши.

3. Ўқувчиларда табиат ва атроф-мухит муҳофazасини таъминлаш ижтимоий зарурият эканлиги тўғрисидаги эътиқодни шакллантириши.

4. Ўқувчиларда экологик фаолият кўникма ва малакаларни тарбиялаш ҳамда уларнинг табиат ва атроф-мухит муҳофazасини таъминлаш жараёнида фаол иштирок этишларига эришиш.

Оила ва жамиятда ташкил этилаётган экологик тарбиянинг сухбат, давра сухбати, экскурсия, баҳс-мунозара, ижодий танловлар, учрашув, ижтимоий-фойдали меҳнат (шанбалиқ, ҳашар, кўкаламзорлаштириш) каби шакл ҳамда сухбат, кузатиш, амалий фаолиятни ташкил этиш, рағбатлантириш каби методлар ёрдамида ташкил этиш ўқувчиларда экологик маданиятни қарор топишини таъминлайди.

Ўқувчи тарбиясида иштирок этаётган субектларнинг шахсий намуналари, ўқув манбалари, бадиий адабиётлар, оммавий ахборот воситалари (шу жумладан, Интернет) материаллари ва уларнинг гоялари ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантиришнинг муҳим воситалари саналади.

Табиатни муҳофaza қилиш тадбирларини амалга оширишда кенг жамоатчилик қатнашади. Бу ишда қатнашган ҳар бир кишида табиатга муҳаббат хисси уйғонади, Ватанга муҳаббат руҳида тарбияланади. Табиат жуда гўзал, кишиларга эстетик завқ беради. Табиатни, унинг бирор элементини, масалан: бирор гулни дикқат билан кузатсангиз, унинг қанчалик нозик, қанчалик гўзал, рангларининг хилма-хиллигини қўрасиз ва Сизга қанчалик эстетик завқ беришини жуда яхши биласиз.

Биз болаларга баҳор келиши билан кўчат ўтказишни ва дарахтларни аҳамиятини тушунтириб ўтишимиз даркор. Уларга, қушларга озор етказмаслик, жониворларни қийнамасликларини, улар бизни дўстларимиз эканлигини, уларга етказа олсак экологияни оз бўлсада, муҳофаза қилишга, табиатни бойитишга ўз ҳиссамизни кўшган бўламиз.

Хозирги кунда экологик тарбия хар-бир билим олиш масканларида асосий фан сифатида киритилган. Бу фаннинг киритилишининг асосий сабаби экологияни яъни атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва уни келажак авлодга соғ холда етказиш демакдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2019 йил 27 май Экологик таълимнинг ривожланиш конценцияси ишлаб чиқиш бўйича сўзлаган нутқи

2. Турдиқулов Э.О,Турдиқулов У."Марказий Осиёда экологик таълим тараққиёти" -Тошкент УзФА "Фан" 2005 й.

3. Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳит ҳолати ва табииё ресурслардан фойдаланиш тўғрисида миллий маъруза (2008-2011 й)